

## “ХАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДА БАДИУЗЗАМОН МИРЗО ВАСФИ

**Акрамжон Қодирович ДЕХҚОНОВ**

Филология фанлари номзоди, ўқитувчи

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,

Тошкент, Ўзбекистон

## О ЦАРЕВИЧЕ БАДИУЗЗАМОН-МИРЗО В ПОЭМЕ “СМЯТЕНИЕ ПРАВЕДНЫХ”

**Акрамжон Кодирович ДЕХҚОНОВ**

Кандидат филологических наук, преподаватель

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

Ташкент, Узбекистан

## ON PRINCE BADIUZZAMON IN THE POEM “ASTONISHMENT OF NICE PEOPLE”

**Akramjon Kodirovich DEKHONOV**

Doctor of philosophy (Ph. D.) philology, teacher

Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature

Tashkent, Uzbekistan [dehqonova67@gmail.com](mailto:dehqonova67@gmail.com)

UDC (УЎК, УДК): 82-1/-9

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования,):**

Дехқонов А. Қ. “Хайрат ул-аброр” достонида Бадиуззамон мирзо васфи //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 3 (32),— Б.236- 245.

<https://doi.org/10.36078/1596781658>

**Received:** May 28, 2020

**Accepted:** July 18, 2020

**Published:** July 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Open Access**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Алишер Навоий “Хайрат ул-аброр” достонининг йигирманчи мақолатидан ўрин олган темурий шахзода Бадиуззамон мирзога қилган ўғит-насихатлари хусусида сўз юритилади. Шунингдек, “Хамса” достонларидаги Музаффар мирзо, Шоҳғариб мирзо, Султон Увайс Баҳодир каби ёш темурий шахзодаларга бағишланган бобларнинг умумий мазмун-мундарижасига ҳам тўхталиб ўтилади. Бадиуззамон мирзонинг отаси Хуросон хукмдори Султон Хусайн Бойқаро билан муносабати, бу муносабатларнинг Алишер Навоий ижодий меросида акс этиши, буюк шоирнинг ота ва фарзанд ўртасидаги кескинликни юмшатиш борасида саъй-ҳаракатлари ҳамда ушбу ҳодисаларнинг шоир ижодида қай даражада ўз ифодасини топганлиги таҳлил қилинган. “Хайрат ул-аброр” достонининг Бадиуззамонга бағишланган бобидаги Навоийнинг насихатлари шахзода учун программ характердаги ғоят аҳамиятли фикрлар эканлиги таъкидланган. Алишер Навоийнинг Султон Хусайн Бойқаро давлатининг равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлари, жонкуярлиги достонлари ва насрий асарларида қай тарзда ўз ифодасини топганлиги хусусидаги мулоҳазалар ҳам билдирилган. Навоийнинг Бадиуззамонга насихатида хавотир билан айтган гаплари чорак асрдан кейин рўй берганлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий; темурий шахзодалар; Бадиуззамон; “Хайрат ул-аброр”; “Хамса” достонлари; мақолатлар.

**Аннотация.** В статье речь идёт о наставлениях и назиданиях царевичу-темуриду Бадиуззамону-мирзо, приведенных Алишером Навоий в двадцатой главе поэмы «Смятение праведных». Кроме того, в статье приведен обзор содержания

глав в поэмах «Пятерицы», посвященных непосредственно молодым царевичам-темуридам — Музаффару-мирзо, Шохгарибу-мирзо, Султану Увайс Баходиру. Автор анализирует отношения правителя Хорасана Султана Хусейна Байкары и его сына Бадиуззамона-мирзо, что отражено в творческом наследии Алишера Навои, даёт оценку его действий, направленных на смягчение напряженности в отношениях отца и сына, рассматривает, в какой степени всё это отражается в творчестве великого поэта. Исследователь особо констатирует, что назидания Алишера Навои Бадиуззамону, приведенные в поэме «Смятение праведных» имели программный характер для царевича и содержали очень ценные рассуждения. Также приведены размышления автора по поводу целенаправленных действий Султана Хусейна Байкары для развития страны и анализирует, в какой степени это отражено в поэмах и его прозаическом творчестве. Также в статье особо отмечается, что беспокойство и дурные предчувствия Навои в назиданиях Бадиуззамону всё же реализовались спустя четверть века.

**Ключевые слова:** Алишер Навои; царевичи-темуриды; Бадиуззамон; «Смятение праведных»; поэмы «Пятерицы»; макалат-главы.

**Abstract.** This article is about the advice to the Temurid prince Badiuzzamon mirzo, given by Alisher Navoi in Chapter Twenty of the poem “Astonishment of Nice People”. In addition, the article provides a brief overview of the poems “Quintuple”, dedicated to the young Temurid princes, such as Muzaffar mirzo, Shohgarib mirzo, Sulton Uvais Bahodir. The author analyzes the relations between the ruler of Khorasan, Sulton Husain and Baikara, and his son, Badiuzzamon mirzo, which is reflected in the creative legacy of Alisher Navoi, assesses his actions aimed at easing the tension in the relations between father and son, and considers to what extent all this is reflected in the work of the great poet. Advice of Alisher Navoi in the poem “Astonishment of Nice People” The chapter, which was dedicated to the Badiuzzamon had a programmatic nature for the Prince and contained very valuable arguments. The author's reflections on the purposeful actions of Sulton Husain Baikara for the development of the country are also given, and analyzes to what extent this is reflected in the poems and his prose work. Also, the article specifically notes that Navoi's anxiety and bad forebodings in the advices to the Badiuzzamon were still realized after a quarter of a century.

**Keywords:** Alisher Navoi; temurid-princes; Badiuzzaman; “Astonishment of Nice People”; “Quintuple” poems; makalat.

**Кириш.** Алишер Навоийнинг темурий шахзодалар, хусусан, Хуросон хукмдори Султон Хусайн Бойқаронинг ўғиллари билан муносабатлари мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилган. Бу масалани бугунги кун нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, ушбу муносабатларнинг янги-янги қирралари очилиб бориши маълум бўлмоқда. Бундан 30–40 йиллар илгари ушбу мавзуга боғлиқ фикрларни айтиш қийин бўлган ўринларда бугун бемалол мулоҳаза юритиш мумкин. Булар — Навоийнинг шахзодалар ҳақидаги турли асарларида айтган мулоҳазалари. Улардаги нозик ишоралардан буюк шоирнинг асл муддаосини илғаб олиш мумкин.

**Асосий қисм.** Алишер Навоий ўзининг “Хамса”си таркибидаги дostonларида бир неча шахзодаларни — Хусайн Бойқаронинг ўғилларини зикр қилади, уларга алоҳида боблар бағишлаб, мадҳ этади, насихатлар қилади. Жумладан, Бадиуззамон мирзо мадҳи “Хайрат ул-аброр” (1, 317), “Фарход ва Ширин” (2, 55) “Лайли ва Мажнун” (4, 44) ва Садди Искандарий” (5, 71) дostonларида келади. Музаффар мирзога “Садди Искандарий” (5, 543) дostonининг 84–85-боблари бағишланган. Шоҳғариб мирзога “Фарход ва Ширин” (2, 460) дostonининг 53-бобида насихатлар қилинган. Шунингдек, Султон Хусайн Бойқаронинг жияни ва куёви Султон Увайс Баҳодир мадҳи ва унга насихатлар “Лайли ва Мажнун” (3, 299) дostonининг 37-бобидан ўрин олган. Бу бағишловларда Навоий даставвал шахзодаларнинг яхши сифатларини, фазилатларини зикр қилиб ўтади, сўнг уларга энг зарур насихатларни беради. “Хамса”даги Хусайн Бойқарога бағишланган боблар билан шахзодалар мадҳ этилган боблардаги асосий фарқ шуки, Хусайн Бойқаро ҳақида Навоий жуда хушёрлик билан, ҳукмдор билан унинг тобеси ўртасида лозим бўлган масофани сақлаган ҳолда, мамлакатнинг олий ҳукмдори ҳақида сўзлаётганини чуқур англаб сўз юритади. Шахзодаларга бағишланган бобларда ҳам шоир эҳтиётлик билан сўзлайди. Лекин барибир ёшдаги фарқлар ва ўзининг султонга яқинлиги, мамлакат ва халқ тақдирига ич-ичидан жавобгарлик ҳисси, теурийлар сулоласига бўлган буюк садоқати сабаб Навоий шахзодаларга оталарча насихатларини самимий ва очик тарзда баён қилади.

“Хамса”даги шахзодаларга бағишланган боблар ичида Бадиуззамон мирзо ҳақидаги ўринлар алоҳида аҳамиятга эга. Юқорида айтиб ўтганимиздек, “Хамса”нинг “Сабъаи сайёр”дан бошқа барча дostonларида бу шахзода мадҳ этилган боблар мавжуд. “Фарход ва Ширин” дostonи эса Бадиуззамонга бағишланган.

Алишер Навоийнинг Бадиуззамон мирзога бунчалик кўп эътибор қаратиши, у ҳақда бунча кўп қайғуриши хусусида адабиётшунослигимизда муайян фикрлар айтилган. Айниқса, Навоийнинг бу шахзодага ёзган мактуби (“Муншаот”даги 57-мактуб) ҳақида кўп тадқиқотчилар ўз мулоҳазаларини билдирганлар (9, 46). Навоийнинг “Муншаот”идаги Бадиуззамонга ёзилган 56-мактуб мазмунидан маълум бўладики, шоир бу шахзодага насихат қилиш борасида анча журъатли бўлган (6, 183). Шахзодага ёзилган ушбу мактублардаги кескин оҳанг бу хатларнинг ота-бола, яъни Хусайн Бойқаро ва Бадиуззамон муносабатлари анча ёмонлашган пайтда, 1495 йилдан кейин ёзилганига далолат қилади. 56-мактуб Навоийнинг Бадиуззамон мирзога муносабатини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан ушбу мактуб “Хамса”даги унга бағишланган боблар учун калит вазифасини ўтайди. Шунинг учун дostonлардаги бу шахзодага бағишланган боблар ҳақида сўзлашдан олдин мактуб мазмуни билан танишиш зарур бўлади.

Навоий ўз мактубини Пайғамбар алайҳиссаломнинг бирмунча кескин оҳангдаги “Тангрининг ризоси отанинг ризосида, Тангрининг ғазоби отанинг ғазобидадир” мазмунидаги ҳадисини келтириш билан бошлайди. Ваҳоланки, Алишер Навоийнинг

муурофаъа шаклида (ўзидан юқори даражадаги шахсга) ёзилган мактубларининг шакли одатда дуо-муддао-дуо ёки мадҳ-муддао-дуо шаклида бўлар эди (9, 31). Шуниси қизиқки, бу, яъни 56-мактуб ҳам Навоий томонидан ўзидан юқори даражадаги шахсга, шахзодага ёзилапти. Лекин унинг бошланиши мадҳ билан ҳам, дуо билан ҳам бошланмаяпти, тугашида ҳам мадҳ билан ҳам, дуо билан ҳам тугамайпти. Бирдан муддаога ўтиляпти. Отанинг фарзандга нисбатан қай даражада улуғ зот эканлиги ҳақида қисқача сўз юритилиб, ота мадҳи ҳақидаги Адиб Аҳмаднинг бир рубойиси келтирилади:

*Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато токи қилса ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин кутқаргай Худо.*

Сўнг отага нисбатан қилинган беадабликларнинг оқибати ҳақида тарихдан бир-икки мисол келтирилади. Муқаддима мазмунидан сезиладики, мактубда сўз Бадиуззамон мирзо томонидан отаси Султон Ҳусайн Бойқарога нисбатан қилинган риоясиз хатти-ҳаракатлар хусусида боради.

Шундан сўнг Алишер Навоий бирдан мақсадга кўчади: “Бу учурда бир неча иш сизнинг тарафингиздин эшитилдиким, вожиб кўринди сизга арз қилмоқким, борча Мирзонинг жонибининг риоятидин ғофил бўлгон чоғлиғ кўрунди...” (6, 184). (Бу муддатда Сиз тарафдан содир этилган бир неча ишда Мирзонинг (Ҳусайн Бойқаронинг) риояти қилинмагандек бўлди. Мана шу нарсаларни билдириб қўйиш менга вожиб кўринди).

Шундан кейин шахзода томонидан отасининг риояси қилинмаган тўртта ишни Навоий санаб келтиради. Гарчи шоир шахзодага жуда юксак одоб ва назокат билан ўз фикрини баён қилса ҳам, лекин сўзлар зимнидаги кескинлик ва оғриниш оҳангини сезиб олиш қийин эмас. Шу билан бирга, бу мактубда буюк адибнинг бу улуғ сулолага, хусусан, Ҳусайн Бойқарога чексиз садоқати, самимий дўстлиги, унинг фарзандларига, айниқса, Бадиуззамон мирзога оталарча меҳрибонлиги ва жонфидолиги сезилиб туради. Алишер Навоий ҳассос ва зийрак қалби билан келажакда бу салтанатда юз беражак улкан фожиаларни, парокандаликни ҳис қилиб турарди. Бекорга у мактуб охирида: “Эмди бу қулнинг жони куйганда ўзгаларнинг этаги куймас...” деб нола қилмайди. Дарҳақиқат, бу давлат, бу сулола, бу дўст учун Навоийнинг жигар-бағри куйди, жони ўртанди. Бу йўлда елди, югурди, жонини, умрини, молини сарфлади. Навоийнинг саодати шундаки, у бу сулоланинг охириги фожиали кунларини, салтанатнинг инқирозини, шахзодаларнинг баъзилари қўйдек бўғизланишларини, баъзилари хотин, бола-чақаларини, оналарини душман қўлига ташлаб, ўз жонини кутқариш учун қочиб кетганини кўрмади. Буларни шоирнинг ўта нозик ва таъсирчан қалби кўтара олмас эди. Буюк шоирнинг саодати шундаки, у буюк дўстининг қўлида жон берди. Иззат-икром ва шараф билан дафн этилди. Навоий ўз амали билан, ўз сўзи билан давлатга, халққа, салтанатга,

дўстга садоқатнинг рамзи бўлиб қолди. У бу борадаги сўзларини ўз амали билан исботлади.

Энди “Ҳайрат ул-аброр”даги Бадиуззамон мирзога бағишланган бобларга қайтамиз. Маълумки, Навоийнинг ушбу достони йигирмата мақолатдан иборат бўлиб, ҳар бир мақолатда муайян бир мавзу ҳақида сўз боради. Ҳар бир мақолат тугагач, унинг мавзусига оид бир ҳикоят келтирилади. Достоннинг йигирманчи мақолати шахзода Бадиуззамон Мирзога бағишланган. Аввало, бу бобнинг бошқа достонлардаги ушбу шахзода мадҳ этилган боблардан ҳажман анча катта эканлигини таъкидлаш лозим. “Ҳайрат ул-аброр”да Бадиуззамонга бағишланган йигирманчи боб 232 байтни ташкил этгани ҳолда, “Фарҳод ва Ширин”даги унга аталган боб 53 байтни, “Лайли ва Мажнун” ва “Садди Искандарий”даги унга аталган боблар эса ҳар бири қирқ байтдан иборат.

“Хамса”нинг бошқа достонларига нисбатан “Ҳайрат ул-аброр” достони программ характерга эга бўлганидек, бошқа достонлардаги Бадиуззамонга бағишланган бобларга нисбатан ҳам “Ҳайрат...” даги унга бағишланган бобни программ характерга эга, деб айтиш мумкин. “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Искандарий”даги Бадиуззамон мирзога бағишланган боблар ҳажман анча кичик бўлиб, улар фақат шахзоданинг мадҳидан иборат. “Ҳайратул-аброр”да шоир бутунлай бошқача йўл тутди. Тўғри, бу достондаги шахзодага бағишланган боб ҳам унинг мадҳи билан бошланади, одоби тасниф шуни тақозо қилар эди. Лекин бу ўриндаги мадҳ ушбу бобда айтилажак фикрлар учун фақат кириш-муқаддима вазифасини ўтайди. Бу ерда Бадиуззамон мадҳ этилган мисралар бор-йўғи 11 байтни ташкил этади, холос. Шундан сўнг Навоий жуда усталик билан гап оқимини насиҳат томонга буради. Ёш шахзодага бу ўринда айтилган ўғитларни унинг учун тузиб берилган ҳаракат дастури, деб аташ мумкин. Навоий шахзодага келажакдаги фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган барча вазиятларни назарда тутиб насиҳат қилади. Ҳатто бу айтилганларга риоя қилмаса, бошига тушиши мумкин бўлган эҳтимолий ҳолатларни ҳам умумий тарзда кўрсатиб кетадики, буни улуғ шоирнинг башорати, деб аташ мумкин.

Боб аввалида Навоий Бадиуззамон мирзони олий насаб, юксак фазилатлар соҳиби сифатида мадҳ этади.

Шахзоданинг мадҳини яқунлаб, унга насиҳат қилишга ўтар экан, шоир ўзи билан Ҳусайн Бойқаро ўртасида бўлиб ўтган бир гапни эслайди. Яъни, подшоҳ менга кўнглингга нима яхши гап келса, албатта менга айтгин, агар эътибор бермасам, яна қайта-қайта айтавергин, деб тайинлаган, — дейди шоир. Модомики, подшоҳнинг ўзи менинг сўзимга шунчалик эътибор берган экан, энди сенга ҳам панд-насиҳат қилсам, ери — ўрни бор, дея унга насиҳат қилишга ҳақдор эканлигини таъкидлаб, насиҳатни бошлайди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, “Ҳайрат ул-аброр” ёзилган 1483 йили ҳали ота-бола (Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон мирзо) муносабатлари бузилмаган пайтлар эди. Муносабатлар тахминан 1495 йиллардан кейин бузилган. Бадиуззамон мирзо ҳали ёш (у 1458 йилда туғилган) эди, укалари, хусусан отаси билан унинг

ораси бузилишига сабаб бўлган Музаффар мирзо ҳам ёш бола бўлган (у тахминан 1472–73 йиллари туғилган).

Алишер Навоийнинг Бадиуззамон мирзога катта эътибор беришининг сабаби шуки, у подшоҳнинг катта ўғли эди, қолган укалари ундан анча кичкина эдилар. Шу боис Навоий уни отасига энг яқин ва садоқатли ўғил, бинобарин, муносиб валиаҳд бўлади, деб жуда катта умидлар боғлаган эди.

Навоий шахзодага насиҳатини умрнинг, дунёнинг ўткинчилигини эслатиш билан бошлайди:

*Бил муниким, умр вафосиз дурур,  
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур.*

Шундан сўнг шоир Бадиуззамон мирзонинг жуда улуғ неъмат устида турганлигини, бунинг шукронасини қайта-қайта, тинимсиз қилиши лозимлигини таъкидлайди. Ҳар қандай ҳолатда Яратувчини эздан чиқармасликка, барча неъматларни фақатгина Ундан деб билиши лозимлигини уқтиради. Сенга Тангри лутф қилиб тож-тахтни бериб, ҳукмингга ҳаммани мутеъ қилиб қўйди. Барча мулк-салтанат У Зотнинг қўлида. Сенга Унинг шунчалик карам-саховатининг шукрини қилмасанг, хоҳлаган пайтда мулкни сендан олиб қўяди, деб ёзади шоир:

*Мунча карам шукрини гар билмасанг,  
Ҳар неки амр этти адо қилмасанг...  
Етса газаб тунд ели нетгасен,  
Мулк Анинг мулки, қайн кетгасен? (1, 322)*

Бу мисраларни орадан чорак аср ўтиб — 1507 йил Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин юз берадиган бошбошдоқлик, парокандаликни олдиндан башорат қилаётгандек ёзади шоир.

Шоир ўз насиҳатини давом эттириб, шахзодага Яратувчини доим ёдда тутишни, шариатни қаттиқ ушлашни, мулкни бошқаришда адолат билан иш тутишни тайинлайди. Навоий ўз асарларида ҳукмдорлик, шоҳлик ҳақида сўз юритган ўринларда адолат масаласига алоҳида тўхтаб ўтганидек, ушбу бобда ҳам адолат ҳақида батафсил сўзлайди. Адолат мулкнинг мадори, яъни салтанатни тутиб турувчи асосий устундир, — деб таъкидлайди у. Шунингдек, кофир ҳукмдор адолат қилса, унинг мулки барқарор туради, мўмин ҳукмдор зулм қилса, унинг мулки таназзулга учрайди, мазмунидаги машҳур ҳикматли сўзнинг маъносини келтириб ўтиш билан адолат ҳақидаги фикрини бошлайди. Шундан сўнг адолатли ҳукмдорнинг даражаси дунёда ҳам, охиратда ҳам баланд бўлишини айтади. Кейин “адл” сўзининг ҳар бир ҳарфига ўзига хос гўзал таърифлар беради. Сўнгра адлнинг зидди бўлган зулмнинг қанчалик оғир юк — гуноҳ эканлиги, мазлумнинг охи қанчалик улуғ салтанатларни ҳам вайрон қилиб юборганлигини таъкидлайди. Навбатдаги сўз мавзуси нафснинг қўйига кириб, айш-ишрат домига тушиб қолмаслик ҳақида боради. Нафснинг сўзига кирсанг, охир-оқибатда у сени хароб қилади, — дея ёш шахзодага насиҳат қилади шоир.

Шу ўринда Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларининг ахлоқи ва феъл-атвори хусусида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг



фикрларига мурожаат қилмасдан ўтиб бўлмайди. Маълумки, Бобур мирзо “Бобурнома”да Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари ҳақида жуда кенг, батафсил маълумот беради. Уларнинг ижобий ва салбий хислатларини шафқатсиз ростлик билан тасвирлайди. Бобур мирзо Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг шижоати, сиёсати, зийраклиги ва тутумидаги жуда кўп ижобий жиҳатларни таъкидлайди. Шу билан бирга ундаги ва ўғилларининг ахлоқидаги салбий томонларини ҳам очиқ ёзади: “Фиск ва фужур ўзида (Ҳусайн Бойқарода. — А.Д.), ўғлонларида ва эл-улусида асру шое эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким, мундоқ хонводадин етти-секкиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади” (8, 153). “Бобурнома”да бундан бошқа ўринларда ҳам Ҳусайн Бойқаро ўғилларининг салбий хислатлари айтиб ўтилади.

Бобур мирзонинг Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари, шунингдек, ўз амакилари ва амакиваччалари, бошқа теурий шахзодалар ва бошқа ҳукмдорлар ҳақида дадил ва истиҳолалис сўзлашининг сабаби у, яъни Бобур Мирзо мавқеда ва насл-насабда сўз юритилган кишилар билан тенг ёки улардан баланд даражада бўлган. Шунинг учун уларнинг камчиликлари ва айблари ҳақида дадил сўзлаган. Ўша давр этикетига кўра, жамиятнинг куйи табақасига мансуб шахслар юқори даражадаги шахслар, хусусан, ҳукмдорлар ҳақида, ҳатто улар вафот этиб кетган бўлса ҳам, очиқ-ойдин ҳамма гапни гапириши жоиз бўлмаган.

Шу ўринда бир савол туғилади. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари, тобеълари ҳақидаги Бобур мирзо айтган ҳолатлардан хабардор эдим ёки йўқми?

Албатта, Алишер Навоий каби зийрак ва фаросатли зот бу нарсалардан хабардор бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин бу гапларни очиқ айтишга ёки ёзиш учун Навоий монё бўлувчи бир неча омиллар бўлган. Улар:

1. Навоий ҳар қанча юқори даражадаги шахс бўлмасин, унинг ўзи ҳам, ота-боболари ҳам бу сулоланинг, бу хонадоннинг хизматчиси бўлиб, хизматчилар ўз ҳукмдорлари ҳақида салбий гап айтишга ҳақки йўқ эди (“Агарчи бу хоксорнинг (яъни Навоийнинг. — А.Д.) ота-бобоси ул ҳазратнинг обо аждоди хизматларидаким... улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлгон эрдилар”) (6, 246).

2. Алишер Навоий учун Ҳусайн Бойқаро нафақат яқин дўст ва сирдош, балки валинеъмат (унга етган неъматларга сабабчи) ҳам эди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий то Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргунча ҳеч нарсаси йўқ бир толиби илм бўлган. Навоий ўзи ёзганидек:

*Сабаб қилмаса шоҳ лутфин Худо,  
Мену сен ким эрдук — бир-ики гадо (5, 560).*

(“Садди Искандарий” достонида укаси Дарвеш Алига бағишланган бобдан) (яъни Худойи таоло Султон Ҳусайн Бойқаронинг лутфини сабаб қилмаганда, мен билан сен бир-икки гадо эдик. Яъни ҳеч нарсамиз йўқ эди). Ўз валинеъматини ҳақида танқидий гапларни гапириш туз еган жойига онқўрлик қилиш бўлар эди. Бундай иш Навоий тарафидан содир этилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Кўриб-кўрмасликка олиш, эшитиб-эшитмасликка олиш ҳам раёсат — бошқарувнинг усулларида бири. Навоий “Вақфия”да ёзади: “...аммо анинг кишвари гулистонининг ҳарими атрофида ва мулки бўстонининг акнофида кўрмас нимадин кўзумни нарғис кўзидек кўр ва эшитмас нимадин қулоғимни бинафша қулоғидек қар ва тутмас нимадин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин аёғимни сарв оёғидек ланг ва айтмас сўздин, батахсис махфий асрорежим, гул хурдаси масаллик ғунчадек кўнглумда амонат топшурди — ифшосидин тилимни савсан тилидек гунг қилди (4, 253).

(Аммо унинг (яъни Хусайн Бойқаронинг. — А.Д.) мамлақати гулистонининг хос ҳудудида ва салтанати бўстонининг атрофида кўрмаслигим лозим бўлган нарсдан кўзимни нарғис гулининг кўзидек кўр ва эшитмаслигим лозим бўлган нарсдан қулоғимни бинафша қулоғидек қар ва ушламаслигим лозим бўлган нарсдан кўлимни чинор қўлидек шол ва бормаслигим лозим бўлган ердан аёғимни сарв дарахтининг оёғидек ланг — юрмас ва айтмаслигим лозим бўлган сўздан, хусусан, ғунча каби кўнглимга (Хусайн Бойқаро. — А. Д.) омонат топширган махфий сирларни ошкор қилишдан, тилимни савсан тилидек гунг — соқов қилдим).

Бу айтганларидан жуда кўп ҳолатларда Навоий ўзини салтанатда бўлаётган ишлардан кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олишга мажбур бўлганлигига ишораларни сезиш мумкин.

Навоий шаҳзодага насиҳатни давом эттириб, подшоҳнинг халққа лутф-карами яхши нарса, лекин ўз ўрнида қаҳр-сиёсат ҳам зарур, дея таъкидлайди. Ёмонларга қилинган лутф-карам яхшиларга зулм қилиш билан баробардир. Малҳам билан тузалмаган ярани ништар — тиғ билан тузатилади, деб жамиятдаги ёмонларни йирингли ярага, султонни эса тиғ тутган табибга қиёс қилиб, ғўзал ташбеҳлар воситасида ёш шаҳзодага насиҳатни давом эттиради. — Ҳеч кимни аввал синамасдан ўзингга сирдош қилма, оз айби бор кишига қаттиқ сиёсат қилма, бировни қатл қилишга шошма, айниқса, ёлгон гувоҳлик берувчиларнинг сўзига ишониб, бировни жазолашдан эҳтиёт бўл. Кўнглингга бир фикр келса, маслаҳат-машваратсиз уни амалга оширишга шошма. Ўзингнинг раъй-фикрингга суяниб қолма, маслаҳатга ярқоли кишилардан маслаҳат олишни одат қил, лекин жуда узун кенгаш қилиб, бир масала устида гап кўпайишига ҳам йўл қўйма. Агар душман билан жанг қилишга тўғри келса, жангни уруш қоидаларига мувофиқ олиб боргин, урушда камчиликка йўқ қўйма, ўлимдан кўркиб юраксизлик қилма. Ҳеч ким ажали етмагунча ўлмайди. Шунини яхши билгинки, душман билан тўқнашган пайтингда халқингнинг дуоси сенга паноҳ бўлади. Душманинг устидан ғолиб чиқсанг, ғолиблигинг шукронасига уни қатл қилишга шошма.

Бу менинг насиҳатларимга шоҳнинг (Хусайн Бойқаронинг — А.Д.) олиб борган ишлари дастур — қўлланма бўлди. Агар барча ишингда отангга ўхшасанг, ҳеч қачон пушаймон бўлмайсан. Агар давлатни ва узоқ яшашни истасанг, бу пир — отангнинг олдида тақсирга, яъни камчиликка йўл қўйма, — дея ўз насиҳатини яқунлайди Алишер Навоий.



**Хулоса.** Йигирманчи мақолатнинг ниҳоясида Навоий отасига итоат қилишни шахзодага қайта-қайта тайинлайди. Шундан сўнг “Хайрат ул-аброр”нинг бошқа мақолатларидан кейин бўлганидек, бу мақолатдан кейин ҳам бир ибратли воқеани келтириш билан ўз фикрини яқунлайди. Нақшбандия тариқатининг улуғларидан бири Хожа Муҳаммад Порсо ўғли Хожа Абу Наср Порсо билан ҳаж қилгани борадилар. Ота-бола ҳаж арконларини яқунлагач, йиғилган халойиқ Хожа Муҳаммад Порсодан бутун ҳаж аҳли учун дуо қилишини сўрашади. Шунда Хожа Муҳаммад Порсо ўглини кўрсатиб:

*Айттиким, ул манга фойиқ дурур,  
Бўйла баланд иш анга лойиқ дурур (1, 329).*

(Хожа айтди: “Ўғлимнинг даражаси мендан баландроқ, шунинг учун бундай баланд иш, яъни ҳаж аҳли учун дуо қилишга у лойиқроқдир”) деб жавоб беради ва дуо қилиш ҳаққини ўғлига топшириб, “Сен дуо қил, мен минбардан пастда “Омин” деб тураман, — дейди.

Хожа Абу Наср Порсо отасининг амрига мувофиқ минбарга кўтарилиб, дуо қилади ва “Эй Парвардигор, агар мен дуо қилишни билмаган бўлсам, минбардан пастда “Омин” деб турган инсоннинг “омин”ини зое қилмагин!” — дея ўз илтижосини яқунлайди.

Навоий қиссадан ҳисса қилиб ўғил ҳар қанча мартабаси юксалгани билан ота барибир ўзининг оталик ҳаққи жиҳатидан ундан юқори туришини таъкидлаб қўймоқда.

Улуғ адибнинг бу насиҳати гарчи Бадиуззамон мирзо учун айтилган бўлса-да, лекин бошқа шахзолаларга ҳам умумий ҳолда тааллуқли эди. Шоирнинг насиҳатлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. 7-том. — Тошкент, 1991. — 392 б.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 томлик. 8-том. — Тошкент, 1991. — 544 б.
3. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 томлик. 9-том. — Тошкент, 1992. — 356 б.
4. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. 20 томлик. 10-том. — Тошкент, 1992. — 448 б.
5. Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 20 томлик. 11-том. — Тошкент, 1993. — 640 б.
6. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб, Муншаот, Вақфия. МАТ. 20 томлик. 14-том. — Тошкент, 1998. — 304 б.
7. Аҳмедов Т. “Хамса” қаҳрамонларининг характер жозибаси. — Тошкент, 1986. — 68 б.
8. Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. — Тошкент, 1989. — 368 б.
9. Эргашев Қ. Ўзбек насрида иншо. — Тошкент, 2011. — 108 б.
10. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. — Тошкент, 2013. — 272 б.

11. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. — Тошкент, 1993. — 216 б.

#### References

1. Alisher Navoi, *Hairat ul-abror*, vol. 7, Tashkent, 1991, 392 p.
2. Alisher Navoi, *Farkhod va Shirin*, vol. 8, Tashkent, 1991, 544 p.
3. Alisher Navoi, *Laili va Mazhnun*, vol. 9, Tashkent, 1992, 356 p.
4. Alisher Navoi, *Sab"ai saier*, vol. 10, Tashkent, 1992, 448 p.
5. Alisher Navoi, *Saddi Iskandarii*, vol. 11, Tashkent, 1993, 640 p.
6. Alisher Navoi, *Mahbub ul-qulub*, *Munshaot*, *Vaqfiya*, vol. 14, Tashkent, 1998, 304 p.
7. Akhmedov T. *Khamsa, qakhramonlarining kharakter zhozibasi* (The character charm of the heroes of Khamsa), Tashkent, 1986, 68 p.
8. Bobur Zakhiriddin Mukhammad, *Boburnoma*, Tashkent, 1989, 368 p.
9. Ergashev Q., *Uzbek nasrida insho* (Essay in Uzbek prose), Tashkent, 2011, 108 p.
10. Yusupova D., *Uzbek mumtoz adabieti tarikhi* (History of Uzbek classical literature), Tashkent, 2013, 272 p.
11. Haiitmetov A., *Navoiikhonlik suhbatlari* (Navoiy conversations), Tashkent, 1993, 216 p.